

ЖОШЛИК СУЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 июнь, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 104 (1106)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ тасвирга олган.

1 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён қисқа давр ўтганига қарамай, — деди мамлакатимиз раҳбари, — биз хоржий ширеклар билан ишлаш бўйича талай тажрибага ва ушбу ҳамкорлик натижаларини қўслаб қўриш имконига эга бўлдик. Шу маънода «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорлигимиз, хусусан, Асакада қурилатган автомобил за-

моқда, — деди Ким У Жун. — Асакадаги автомобил заводи қурилишини бориб қўганимиздан сўнг, бунга яна бир қарра амин бўлдик. Биз бундан буён Ўзбекистонга сармою киритиш борасидаги режаларимизни янада мувофиқлаштириш ва кенгайтириш ниятидамыз. Суҳбат давомида Асакадаги «УзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси қурилишини тезроқ якунлаш, заводга жамловчи ускуналар etkazиб бериш, қўшма банк ташкил этиш, маҳсулотни реализация қи-

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

1 июнь кунини Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулқошим Муталов Руминиянинг Россия Федерациясидаги Факултетида ва Мухтор элчиси Константин Гирблия қабул қилди.

Учрашувда меҳмон мамлакатимиздаги иқтисодий ва иқтисодий вазият, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бориши билан таништирилди.

Элчи Руминия Президенти Ион Илиескунинг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга йўллаган мактубини etkazди. Унда Руминия мамлакатимизда кечаятган улкан ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётгани, Ўзбекистон билан Руминия ўртасида ҳар томонлама алоқалар, ўзаро манfaatли ҳамкорликни йўлга қўйиш истаги билдирилган.

Руминия Президенти Ион Илиеску Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни унга кулай бўлган вақтда Руминияга расмий ташриф буюришга таклиф қилган.

Учрашувда шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА).

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Авал хабар берилганидек, Тошкентда «Ўзбекистонда хусусийлаштириш: эришилган ютуқлар ва унинг истиқбол-лик мавзусидаги халқаро семинар давом этмоқда. У Республика давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, БМТнинг Тараққиёт дастури ва саноатни ривожлантириш бўйича ташкилоти (ЮНИДО) ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг бориши ва чет эл сармоялари учун республикада яратилаётган шарт-шароитларни ўрганиб таҳлил қилишди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусийлаштириш бўйича катта ютуқларга эришилди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида очилган ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этиш ва уй-жойни хусусий мулкка бериш жараёни деярли якунланди. Ҳозир республикада 23 мингдан зиёд хусусий фирма ва корхона фаолият олиб бораётиб. 1994 йилда давлат мулки бўлган иншоотлар кимодди савдолари ва тўғри-

дан-тўғри сотиш орқали 460 миллион сўмга фуқароларга мулк қилиб берилди. 1995 йилнинг биринчи чорагида эса ана шундай тадбирлар натижасида 240 миллион сўм маблағ давлат хазинасига тушди. Республикада хусусийлаштириш жараёнининг тез суръатларда амалга ошаётгани семинар қатнашчиларининг диққатини тор-тмоқда.

Маъжус халқаро семинар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистон билан бошқа мамлакатлар ўртасида тажриба ва ахборот алмашиш борасида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН УМУМИЙ УЙИМИЗ ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗАДИ

Қозғистон миллий академиясининг кўзга қўрилган олимларининг «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатини тузиш ташаббуси Президентимиз гоёсини амалга ошириш йўлидаги дадил кадам бўлганлигини Ўзбекистон олимлари қўллаб-қувватлайдилар ва бу хайрли ташаббусдан бор кучларини аямайдилар.

Теран илдири, тарихи, тили, дини, дарёси бир бўлган икки халқ ўтмиш сабоқларидан оқилона хулоса чиқариб, ҳозирги сийёсий, иқтисодий-иқтисодий вазият ҳамдўстлик мамлакатларининг ўз ривожланиш йўлиларини аниқлаб олишларини тақозо этади.

Маъжус гоё жуда кенг қиррали, сермаъжун, чуқур ва бегараз мақсадларни қўлаган, Марказий Осиё халқларининг ўзаро иттифоқда, тинч-тотув яшашлиги, уларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу гоёнинг амалга ошиши халқларимизнинг янада яқин, оқибатли бўлиш билан бирга ўзаро маърифий, маънавий ва иқтисодий алоқаларини мустақам-ланишига, халқлар фаровонлигининг ўсиши ва уларнинг жаҳон миқёсидаги обрўсининг янада орттишига хизмат қилади.

«Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати улғу эзгу ниятларни рўйга чиқариш учун хизмат қиладиган оммавий ташкилот бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Биз, ўзбек олимлари бу хайрли ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга кенг ҳамраҳатчилик ҳам шунга давлат этамиз. Хайрли иш албатта қанот ёзади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари:

Е. Х. ТУРАҚУЛОВ, Г. А. ПУГАЧЕНКОВА, П. Қ. ХАБИБУЛЛАЕВ, Э. Ю. ЮСУПОВ, С. К. КАМОЛОВ, Ш. З. ЮСУПОВ, М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, И. И. ИСКАНДАРОВ.

«БИЗ БИР ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Тошкентда уч давлат — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон Журналистлари уюшмаларининг раҳбарлари жам бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари халқларини кундалик ахборотлардан янада тўлароқ, оперативроқ таъминлаш: бир биримизнинг ижодий имкониятларимиз билан яқиндан танишиб, газета ва журналларимиз аҳолига, уларда ишлаб турган ижодкорлар ҳаёти, турмуш шароити, орау йўлидан хабардор бўлиб, муаммоларимизни билган-бирга ҳал этиш юзасидан фикр алмашиб турганимизда, «Халқ сўзи» газетасида қозғистонлик ва ўзбекистонлик бир гуруҳ ёзувчиларининг икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаевларга мурожаат чиқиб қолди.

Тўғриги, мурожаатда айрилган фикр мулоҳазаларни ўйиб, қалбларимиз жонбушга келди, кўксимизда гурур, ифтихор туйғу-лари балқиди. Йилгилишимиз иштирокчилари ҳар бири бир-бирига, аввалечук, меҳр билан боқиб, аллақачон шундай бўлиши керак эди, дея тўлқинланиб сўзлашдилар.

Ёзувчиларимиз ўз мурожаатларида Марказий Осиё минтақасида яшаётган барча халқларнинг арслардан буён интилиб келётган, айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида, Биз учун ҳаёт-мамот масаласига айланган қолган — маънавий жиҳатдан жипслашиб, мустақил мамлакатларимиз истиклоли ва истиқбол сари елкама-елка, ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, қадам ташлаш гоёсини олға сурдилик.

Биз — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон Журналистлари уюшмалари раҳбарлари ҳам «Туркистон — умумий уйимиз» халқаро ҳаракатини қўллаб-қувватлаймиз. Унда айтилган барча фикрлар уч давлат журналистларининг ҳам эзгу йўлини ақал-лига имонимиз қомил. Чунки, шу заминда яшаб турган тили, дини ва дили бир халқлар, ўзаро иқтисодий бирилашиб, ҳамфи-кор, ҳамжихат ҳаракат қилишса, келажакда энг фаровон давлатларга айланишимизга шак-шубҳа йўқ. Бу улғу ва савобли иш учун давлатларимиз раҳбарлари олиб бораётган йўлни энг тўғри йўл деб ҳисоблаймиз.

Тошкент учрашувидеа ўзаро ҳамкорлик ва ижодий алоқаларни йўлга қўйиш учун оқилона фикрлашиб олдик. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, Республиканинг етакчи газеталари таҳрирларида бўлдик. Халқ авкаллари билан учрашиб, мамлакатдаги муътадил вазиятдан тўла қониқ-қи ҳосил қилдик.

Биз умум Туркистон учун, Марказий Осиё давлатлари халқ-лари учун, ўзаро ахборот алмашиш масаласини ижодий ҳал этиш, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб ваазифаси деб ўйлаймиз.

Бугун, мамлакатларимизда рўй бераётган оламшумул воқеаларни тарих саҳифаларига муҳирлаш, биз журналистлар ва барча ижодкорларнинг муқаддас ишидир. Бу илҳомбахар вази-фани маъсулйат билан урдалашини ҳар биримиз ўзимиз учун катта фарҳ деб ҳисоблаймиз.

Биз, авлида, бир замин фарзандларимиз. Яхши, соф ниятли одамлар учун уйимиз тўри ҳамма оқил, дастурхонимиз тўқин. Дилимиз пок, ниятимиз холис. Шонир айтганидек: «Ватан бир, Туркистон бир». Уни асраб-авайлаш, халқларимизга сиқидиқдан хизмат қилиш муқаддас бурчимиздир.

Лутфулла КАБИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси,
Шавкат НИЕЗОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси котибати вази,
«Овоз Тожиқ» газетаси бош муҳаррири,
Жаҳанназ НУРҲОЖАЕВ,
Қозғистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўлибосари,
Раҳимжон СААТАЕВ,
Қозғистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг масъул котиби,
Абдуқодир СУЛТОНБОВЕВ,
Қирғизистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси,
Жеңгер СААЛАЕВ,
Қирғизистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи муовини.

ХРОНИКА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Моваруннаҳр музоламани идоравн хузуридаги Халқаро ислом тадқиқот марказининг ҳодиси Шарофуддин Мирҳодотович Мирмахмудов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Диний ишлар бўйича қомитет раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ Фан-нишон Абдуллаев бошқа ишга ўтгани муносабатидеа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Диний ишлар бўйича қомитет раиси вазифасидан озод этилди.

«ЎЗБЕКЛАР — ҚЎЛИ ГҲЛ ХАЛҚ»

Қабул маросимидан сўнг «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жун УЗА мухбирига Асакадаги қўшма корхона қурилиш жараёни ва унинг истиқбол ҳақидаги саволларига жавоб бера экан, жумладан, шундай деди:

— Асакадаги заводнинг жуда тезкорлик билан қури-лаётгани, бунинг устига қу-рилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилаётгани бизни хайратда қолдирди. Биз дунёнинг қўллаб мам-лакатларидеа қўшма корхо-

бил заводидеа 500 дан ошиқ ўзбекистонликлар иш ўрган-моқда. Шунга яширмай айти-шим керакки, биз уларга қан-чалик мураккаб талаблар қўймайлик, барчасининг ул-дасидан чиқибди. Ҳозир улар ишлаб чиқарган маҳсулотни корейлик ишчилариникидан фарқлай олмайди. Биз ўз-бекларнинг қўли гул халқ экан-ига яна бир бор амин бўл-дик. Келгусида яна 2 мингта

яқин ўзбек йигит-қизини ма-лака ошириш учун Корейга катта ютуқларга эришилди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида очилган ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этиш ва уй-жойни хусусий мулкка бериш жараёни деярли якунланди. Ҳозир республикада 23 мингдан зиёд хусусий фирма ва корхона фаолият олиб бораётиб. 1994 йилда давлат мулки бўлган иншоотлар кимодди савдолари ва тўғри-

(ЎЗА).

Долзарб мавзу

БУ ЙИЛ баҳор об-ҳавоси пахтакорлар учун бир мунча муам-молар тугибди. Март-апрель ойларида ҳароратнинг баланд келиши, ёғингарчиликнинг оз бўлиши тупроқда наминг кескин камайиб кетишига олиб келди. Бунинг устигеа бу йил деҳқончи-лик учун сув танқис бўлиши ҳам қўшимчоқда. Булар вазиятнинг мураккаблигини баалоат беради ва пахтакорлардан кескин чо-ралар қўришни талаб этади.

Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалик вазирлигининг деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ ҳўжалик фанлари ноҳийдаси Раҳим-жон ИСАЕВ пахтакорлар олдида турган вазиғалар ҳақида мух-биримизга қўйидагиларни сўзлаб беради:

— Бу йил пахтакорлари-миз 1 миллион 500 минг гек-тар майдонда деҳқончилик қилмоқдалар. 4 миллион тон-на хирмон уйиш режалашти-рилган. Пахтакорлар шу ният-ларини амалга ошириш учун қаттиқ меҳнат қилмоқдалар. Экинчи мавсуми қисқа муддат-ларда тугаланди. Шу кунга-ча ҳамма майдонларда 1,5 марта култивациялаш ўтка-зилди, яғналаш ишлари ўт-ган йилга нисбатан 10—15 кун олдин ниҳосига etkazилди.

Ҳозир асосий майдонлар-да гўза майсалари 5—6 чинбар-чи қиқари. Наманган ва Фар-ғона вилоятларида эса гўза шоналай бошлади. Демак, экинлар парваришини ўтган йилларга нисбатан анча ол-дин ўтказиш талаб этилади. Лекин кўпчилик туман ва ҳўжаликларда гўзани сугориши ва озиклантириш бу йилги об-ҳаво шароити талабларига жа-воб бермайди.

Утган икки ой давомида (март-апрель) ёғингарчилик сезиларли даражада кам бўл-ди, самарали ҳарорат йинги-диси 80—130 даражага етди. Чингит тез униб чиқди, лекин ҳароратнинг орттиш тупроқ-да наминг кескин камайиб кетишига олиб келди. Оқи-батда гўзанинг ўсишига сал-бий таъсир қила бошлади.

Маълумотларга қараганда Янгийўл, Чиноз, Бекобод, Сирдарё, Жиззах, Дустлик, Риштон, Олтиариқ, Наман-

оз эмас. Уларнинг бундай бе-парволиги қимматга тушиши мумкин.

Авалло Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳўжалиқларида агрономлар ва мироблар бошчилигида таж-рибали деҳқон ва сувчиларни ўз ичига олган ишчи гуруҳла-ри тузилиш лозим. Улар ҳар бир даладаги гўза ҳолатини ўрга-ниб, чанқаган-чанқамангли-

рларда сув етарли бўлди. На-тўржада биз бу технологияни бироқ унутиб қўйдик. Энди уни яна қўллашга тўғри кела-ди. Бу усул сувни 15—20 фоиз тежаб, қузда барча экинлар-дан юқори ҳосил олиш имко-ниини беради. Лекин бу те-хнология қўлланилганда куйи-даги шартларга алоҳида этиб-бир бериш зарур.

Биринчидан, далани суго-

лиш мумкин.

Иккинчи муҳим шарт шу-ки, эгат ташлаб сугоришни кенг жорий этиш керак. Сув битта эгатта таралиб иккин-чиси қуруқ қолдирилди. Шундай қилинганда сув 20—30 фоиз тежалди ва шу сув эвазига яна шунча майдон сугорилади. Сув танқис пайт-да бу жуда муҳим тадбир. Бу усулни сизот сувлар жуда чу-қур жойлашган ерларда ҳам кенг қўллаш мумкин. Ҳозир-ги даврда тупроқ 50—60 сан-тиметр намланганча сув бе-рилса бас. Бунда сугориш муд-лати 10—12 соат, нишобли ер-ларда 18—21 соатдан ошмас-лиги керак. Ортиқчаси исроф бўлади. Афсуски кўп ҳоллар-да ҳар гектар ерга 700—800 куб метр ўрнига 1200—1500 куб метр сув беришга йўл қўйилади.

Учинчидан оз сув билан кўп майдонни сифатли суго-риш учун сувчилар сони етар-ли бўлиши, уларга барча ша-рт-шароит яратиб берилиши керак. Катта майдонлар (10—12 гектар) бир йўла суго-рилиши керак. Бунда 6—8 кишидан иборат сувчилар гуруҳлари алмашиб ишлашса, самарали бўлади. Ишни бун-дай ташкил этиш сув сарфи-ни 30 фоизгача камайтириш, меҳнат унумдорлигини 10 фоизга ошириш имконини беради. Экинлар сифатли суго-рилади ва тупроқ бир текис намланади.

Албатта, сугоришни қатор оралирини ўз вақтида култи-вациялаш, озиклантириш бил-лан боғлаб олиб бориш зарур. Гўза майдонларини бегона ўт-лардан тозалаш, зараркунан-даларга қарши курашиш иш-лари ҳам кўнглидагидек олиб борилаётгани яхши натижалар-га эришиш мумкин.

Суҳбатни Р. ОЙБЕКОВ
ёзди.



ПАХТАКОР УЧУН ҲЕЧ БИР ЙИЛ ОСОН КЕЧМАЙДИ

Табиий шароит гўза парваришини пайсалга солмай, тезлаштириши, сугоришни етти-ўн кун олдин бошлашни талаб этмоқда

ган, Поп, Каттақўрғон, Қар-ши, Ҳузур, Шаҳрисабз, Ни-шон, Шўрчи, Урганч, Ҳазо-расп туманлари айрим дала-ларида тупроқда нам миқдор-и псайиб кетганлиги нати-жасида гўза ниҳолларининг ўсиши тўхтаб қолган. Бу ту-манларнинг ерларида сизот сувлар чуқурлиги 1,5—2 ме-тр атрофида, шунга қарама-сидан гўза сувсиз қолаётди. Бу вазиятнинг мураккаблигини далолат беради. Мамлақати-миз экин майдонларининг кўп қисмида сизот сувларин-инг чуқурлиги 3 метрдан пас-т, бу ерларда экинлар тез чан-қаб қолади.

Афсуски, бугунги кунда ву-жуда келган бу ҳавфли ҳо-латдан беҳабар юрган, аввал-ги сугориш муддатларини ку-таётган, деҳқончиликда таж-рибаси кам бўлган раҳбарлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАПИОТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валиота биржасида 1995 йил 1 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валютада опера-цияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этиди.

Сотув ҳажми 15,53 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бир АҚШ долларининг қиймати — 28,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон республикаси Марказий банки 1995 йил 2 июндан бошлаб ҳисоб ва боҳона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисба-тан қуйидаги қийматини белгилади:	
1 Австралия доллари	20,05
1 Австралия шиллинги	2,81
1 Англия фунт стерлинги	44,42
10 Бельгия франки	9,64
1 Голландия гульдени	17,67
10 Греция драхми	1,23
1 Дания кронаси	5,07
1 АҚШ доллари	28,00
1 Миср фунти	8,20
1 Ирландия фунти	45,39
1 Испания кронаси	0,45
10 Испания песети	2,28
100 Италия лираси	1,71
1 Канада доллари	20,43
1 Кувейт динари	6,43
1000 Ливан фунти	1,72
1 Германия маркаси	19,77
1 Норвегия кронаси	4,45
10 Португалия эскудоси	1,88
1 Сингапур доллари	20,11
1000 Туркия лираси	0,65
1 Финляндия маркаси	5,46
4 Франция франки	5,64
1 Швеция кронаси	3,82
1 Швейцария франки	24,02
1 ЭКУ	36,55
10 Япония иенаси	3,30
1000 Россия рубли	6,81
1 Эстония кронаси	2,52

1000 Украина карбованеци 0,21 || 1 Латвия лати | 54,05 |
1 Литва лити	7,00
1 Козғистон тенгеси	0,44
1 Молдова лейи	6,11
1 Эстония рубли	2,43

Марказий банк 1995 йил 2 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктла-рида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги қийматни қиймати-ни белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,00 сўм.
— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,00 сўм.
Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳал олинади.
*) — Валиота қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон республикаси Мар-казий банки маъжус валиоталарни уш-бу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданилик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1963 йил, №9, 30-модда) 108-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер участкалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мулк бўлиши мумкин».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1990 йил, №16-18, 294-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №2, 84-модда; 1993 йил, №6, 243-модда; 1994 йил, №5, 161-модда, №11-12, 285-модда):

1) 2-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер участкалари қуйидагиларга мулк қилиб берилиши мумкин:

юрдик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари шу объектлар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштириладиганда;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — дипломатия корпуси ходимларига, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларига, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимларига, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларга, шунингдек республикада доимий истиқомат қилаётган ва истиқомат қилиш учун гувоҳнома билан шахсларга турар жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилаётганда»;

2) 5-модданинг: биринчи қисми қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ер участкаларини фуқароларнинг мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллигига ким ошди асосида сотиш»;

тўртинчи-саккинчи хатбошлари тегишли равишда бешинчи-тўққизинчи хатбошлари деб ҳисоблансин;

3) 6-модданинг: биринчи қисми қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ер участкаларини фуқароларнинг мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллигига ким ошди асосида сотиш»;

бешинчи-унинчи хатбошлари тегишли равишда олтинчи-ун бешинчи хатбошлари деб ҳисоблансин;

4) 12-модданинг номи, биринчи,

учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари «берил», «берилган» деган сўزلардан кейин тегишли равишда «сотиш», «сотишган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 12-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига мулкдорлиги

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига мулкдорлиги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштириладиганда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси белгиланган тартибда танлов ёки ким ошди савдоси ўтказиш натижасида юзага келади. Танлов ёки ким ошди савдосининг зарур шартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи билан янги мулкдор ўртасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ шартнома тузишдан иборат.

Ер участкаларига чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари доимий равишда иштирокидаги иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилаётган ва истиқомат қилиш учун гувоҳнома билан шахсларнинг мулкдорлиги уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турар жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилаётганда юзага келади»;

6) 13-модданинг: биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11) мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида олингандан кейин ер участкасини икки йил мобайнида фойдаланилмаганда. Фойдаланилмаган ер участкалари аввалги эгаларига улар тўлаган ҳақни қайтариб берган ҳолда тортиб олинади»;

11-банд 12-банд деб ҳисоблансин; учинчи қисмининг 1 ва 3-бандлари «хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек турар жой бинолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) 14-модданинг еттинчи қисми «хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари» деган сўзлардан кейин «ёки турар жой биноси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 19-модданинг: номи қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ер участкаларига мулкдорлик ва ерга эгаллик ҳуқуқининг кафолатлари»; учинчи қисмидаги «соҳаси объекта-

рини» деган сўзлар «соҳаси объектлари, шунингдек турар жой бинолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 20-модданинг биринчи қисмидаги охириги хатбоши «олиш» деган сўздан кейин «ва ким ошди асосида сотиб олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) 20-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20-модда. Ер участкаларига мулкдорлик ҳуқуқи
Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар эса шунингдек турар жой биноларини ҳам шу объектлар ёки бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар»;

11) 21-модда: номи ва тўртинчи қисми «берил» деган сўзлардан кейин «сотиш» деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун 0,06 гектаргача ер участкалари мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалликка ким ошди асосида сотилади»;

тўртинчи-еттинчи қисмлари тегишли равишда бешинчи-саккинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

12) 22-модда: номи «берил» деган сўздан кейин «сотиш» деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача ер участкалари мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалликка ким ошди асосида сотилади»;

13) 22-модданинг иккинчи қисми «хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек турар жой бинолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1990 йил, №31-33, 371-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №5, 235-модда; 1994 йил, №11-12, 285-модда):

1) 7-модданинг 8-бандидаги «мулк» деган сўз «хусусий мулк» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 19-модда 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «(савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан бирга юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мулкчи қилиб берилган ерлардан ташқари)» деган сўзлар «(қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда мулк қилиб берилган ерлардан ташқари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 27-моддадаги «хусусий» деган сўз чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 17-модда; 1994 йил, №11-12, 285-модда) 4-моддаси 1-бандининг биринчи хатбоши ва 36-моддасининг 1-банди «хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари» деган сўзлардан кейин, «шунингдек турар жой бинолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №5, 215-модда; 1994 йил, №5, 161-модда; №11 — 12, 285-модда):

1) 1-модданинг биринчи қисмидаги «Ўз эгаллигида, фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан бирга улар жойлашган ер участкаларининг мулкдорлари» деган сўзлар «Ўз эгаллигида, эгаллигида ёки фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 6-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6-модда. Фуқароларнинг солиқни тўлаш тартиби
Ер участкаларининг мулкдорлари, ерга эгаллик қилувчи ёки ердан фойдаланувчи фуқаролар солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолда қараб рўйхатга олиндилар. Солиқни ҳисоблаш ва уни тўлаш ҳақидаги хабарнома тақдим этиш 1 апрелга қадар тугалланади. Фуқаролар ер солиғини йилига бир марта 1 ноябрга қадар тўлайдилар.

Фуқароларга йил давомида ер участкаси ажратилган (қўшимча ер берилган) ҳолларда ер солиғи ер участкаси ажратилгандан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади. Ер солиғи ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Фуқаролар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкалари олган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайдилар. Ер солиғи ундириш ер участкаси сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бериб қўйилган ер участкаларидан фойдаланилган ёки фойдаланилмаган, шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги даражасидан қатъи назар ундирилади»;

3) 12-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик ҳуқуқини берувчи ордер олингандан кейин ер участкаларидан бир йил давомида фойдаланмаганлик учун уч баравар миқдорда ер солиғи ундирилади».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №11 — 12, 285-модда):

1) 3-модданинг бешинчи хатбоши «хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек турар жой бинолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 4-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона улуғдан утмоғи лозим ва рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади»;

3) 9-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин»;

4) 22-модда «хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари» деган сўзлардан кейин, «шунингдек турар жой бинолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиати муҳофазат қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9, 359-модда):

7-моддасидаги «86», «87» рақамлари тегишлича «318», «320» рақамлари билан, «суд харажатлари», «суд харажатлари» деган сўзлар тегишлича «процессуал чиқимларга», «процессуал чиқимлар» деган сўзлар билан; 8-моддасидаги «суд харажатлари» деган сўзлар «процессуал чиқимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 335-модда):

1) 4-модданинг иккинчи қисмидаги, 5-модданинг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларидаги, 7-модданинг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-модданинг тўртинчи хатбошидаги, 18-модданинг ун иккинчи ва ун учинчи хатбошидаги, 19-модданинг тўртинчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-модданинг учинчи қисми «Рўйхат» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тақдимида асосан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 335-модда):

1) 4-модданинг иккинчи қисмидаги, 5-модданинг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларидаги, 7-модданинг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-модданинг тўртинчи хатбошидаги, 18-модданинг ун иккинчи ва ун учинчи хатбошидаги, 19-модданинг тўртинчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-модданинг учинчи қисми «Рўйхат» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тақдимида асосан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

X. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9, 355-модда) 30-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«30-модда. Жавобгарлик чоралари
Ушбу Қонун талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Маъмурий жарима пуллари Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эпидемияга қарши жамғармаларига тушади».

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9, 359-модда):

7-моддасидаги «86», «87» рақамлари тегишлича «318», «320» рақамлари билан, «суд харажатлари», «суд харажатлари» деган сўзлар тегишлича «процессуал чиқимларга», «процессуал чиқимлар» деган сўзлар билан;

8-моддасидаги «суд харажатлари» деган сўзлар «процессуал чиқимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 335-модда):

1) 4-модданинг иккинчи қисмидаги, 5-модданинг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларидаги, 7-модданинг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-модданинг тўртинчи хатбошидаги, 18-модданинг ун иккинчи ва ун учинчи хатбошидаги, 19-модданинг тўртинчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-модданинг учинчи қисми «Рўйхат» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тақдимида асосан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 335-модда):

1) 4-модданинг иккинчи қисмидаги, 5-модданинг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларидаги, 7-модданинг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-модданинг тўртинчи хатбошидаги, 18-модданинг ун иккинчи ва ун учинчи хатбошидаги, 19-модданинг тўртинчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-модданинг учинчи қисми «Рўйхат» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тақдимида асосан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

XVII. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

XVIII. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

XIX. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Меҳнатта маъмурий тарзда мажбураганлик учун жавобгарлик
Ушбу Қонун 2-моддаси 1-бандининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаражатларнинг содир этилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

XX. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №4, 175-модда; 1993 йил, №6, 238-модда; 1994 йил, №5, 161-модда) 40-моддаси қуйидаги

Мутахассис мулоҳазаси

Кейинги пайтда матбуотда «шахмат» сўзи турлича, яъни «шоҳмат», «шаҳмат», «шахмат» тарзида ишлатилаяпти. Биз ушбу турлиликка аниқлик киритиш мақсадида шахматга оид қатор китоблар муаллифи, тарих фанлари номзоиди, спорт устаси Мамажон МУҲИДИНОВАга мурожаат қилдик. Кўйида у кишининг шахмат терминологияси ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

Шахмат — «шоҳ ва мот» сўзларидан ташкил топган бўлиб, бу сўзлар унинг асосий моҳиятини ифода этади. «Шоҳ» сўзи форс, тоjik, озарбайжон, туркман, ўзбек, ҳинд тилларида подшоҳ, ҳукмдор деган маънони билдиради. «Мот» эса ҳинд ва араб сўзи бўлиб, «ўлмоқ», «ўлди» деган маънодир, лекин озарбайжон, ўзбек ва бошқа тилларда у «ўлди» маъносига эмас, балки «умидсиз вазиятга тушиш», «хайронлик», «кўмаксиз қолиш», «енгилиш», «мағлуб бўлиш» каби маъноларда ишлатилади. Бу шахмат уйинининг мазмунига мос келадиган «шоҳ мот бўли» дейилади. Аслида шоҳ ўлмайди, яъни бошқа доналар — сипоҳлар каби тахталдан олиб ташланмайди, балки унинг ҳамма йўллари тўсилиб, у қибга олинган, мот қилинади. Араб тарихчиси Равандий ҳам «мот» сўзини «ўлмоқ» маъносига ишлатган. У шахмат шохининг қочадиган жойи қолмаса, у мот бўлади, дейди. Фурсат Хусайиний Шерозий ҳам шу фикрни қувватлайди ва «мот» шатранжбошлар ишлатиладиган «сўзлар», деб унинг шахмат уйинига оидлигини таъкидлайди. Фирдавсий ҳам «мот бўлмоқ» деганда, улдирилишни назарда тутган. Низомий, Жомий, Навоий асарларида ҳам шундай.



Чун харита ичра боғланди бори Шаҳ куйидир ё пийда юкори... Куйидаги сатрлар Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» дostonидан олинган бўлиб, фойдаланадиган:

Шаҳ тилар бўлса шохлик қилмоқ, Сипоҳдан керакам айрилмоқ, Шаҳни дерлар сипоҳ бирла шох, Шаҳ эмасдир, йўқ эса анда сипоҳ, Шаҳга хайл ўлса фатҳ, анинг ишидур, Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур... Борса шатранж шохининг сипоҳи, Кўрки, борми ҳисоб ичнда шох... Навоийдан яна бир байт:

Шаҳ ёнин фарзин каби айлар мақом этмиш негон, Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қирок.

Яъни, шох ёнин фарзин каби қинғирлар мақом қилиб олибдилар, бинобарин, рухдек тўғри юрадиганларнинг чеккага чиқиб қолишлари ажабланарли эмас.

Келтирилган мисралардан аён бўлишича, бизни қизиқтираётган сўз, айниқса, ургу бериладиган жойда «шаҳ» тарзида ифодаланган ва гоҳо «шоҳ» деб ҳам берилган. Энди бизни қизиқтираётган атаманинг иккинчи бўлаги ҳақида фикр юргизилган бўлса, ўзбек тилида «мот» тарзида талаффуз этилувчи бу сўз арабча эканлигини назарда тутган ҳолда, унинг асл ёзилиши ва талаффуз қилинишига эътиборни жалб этиш лозим бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан мухтасар хулоса шуки, бизни қизиқтираётган сўз-атама ўзбек тилида «шоҳмат» ёки «шахмат» шаклида эмас, балки «ШАХМАТ» тарзида ёзилса ва талаффуз этилса, айни муддао бўлади.

Биз ва табиат



Турк эли гоз, форсийда мурғоби, Урусия мардуми «гус» дерлар. Бу парранда туркча ва ҳамчунин Урусия эли қаламидаги оти шаклан яқиндур. Ажаб эр-маски, бу калима турк тилидан ўтгон бўлса.

Гоз ақли хонаки жондорлар аросинда ғаройиб таъби, рафтори, кўп ва хўп хилма-хил нағмалар ила маълум ва машҳурдир. Ўзга бу янглиг хонаки жондор йўқтур ва маълум эмас. Алаҳхусус, эл орасинда турфа иборалар, ривоятлар юрур. Бамисоли «Гоз юриши бор», «Гоз юргин, асло ҳам бўлма» деюрларки, гозни расо рафторига нисбат берурлар. Гоз мудом буйини, гарданини рост (алифдек) тутуб юрур.

Икки рангда намоёнду: оқдур, оладур. Аввалгисининг кўзлари самовий тусдадур, оласиники эса қоралар.

Бениҳоя иттифок, аҳил жамоадур. Ўзга жамоанинг аҳлини қабул етмағай ҳаргиз. Умрини аксан сувда ўтказур.

Лисонни (инсон тилини)

лат уйқусидан уйғотиб, воқеотдан хабардор қилгон эмиш ва шу ваддан «Гуси спасли Рим от нашество Наполеона» деган ривоят юрур.

Табиий, нар бўлур, мода бўлур. Дарвоқе, гозлар ўрдақлин хийла улғурқидур. Нар ва модаси жисмида бамисоли хўроз каби тожу жиғалари йўқтур ва аларни фарқлаш бағоят мушкулдур. Танҳо сувда улар қўшулгонда зоҳир бўлур. Жисман ва шаклан нар ва модаси гўё бир хил. Сувда нари моласини устига бошларидин тишлаб чўқур. Модасига кўп озор етказур. Кўп бўлғайки, модасининг бошиси тегига кетур ва дами қайтур ва қочиб қолур. Ва нари то мурод ҳосил қилмагунча модани тутур. Ажаб, ажабки, муродига етгон нари бамисли даврада голиб бўлур. Фаранглар султони жаҳонгир Наполеон Римга илги (қўли) етгонда ва босмоқ бўлгонда гозлар англаб нолалари билан шаҳарни гаф-

Нар ва модаси қўшила бошлагон ҳамон уч-тўрт гоз аларни атрофида давра қуруб «ғи-ғи-ғи» дебон мутасил турурларки, бу ғаройиб манзара ўзга махлўқ орасинда йўқтур.

Модаси моят қилгонда не ажабким, хаспўшлаб кетур. Гоз моятги товўқникидин икки ҳисса улғурқидур. Гоз моятгининг ҳосияти бағоят бисёрдур. Аввало инсон вужудини бақувват ва бардам тутур. Қилуси (калорияси, энергияси) бетакоррдуру. Дерлар олти донга гоз моятгини бир бора таомил қилгон эр киши шунча кун жўшиб, тошиб юрур. Шахватни беҳад оширур. Яна дерларки қирқ донга гоз моятига бир қўй келур. Пушти мулойим ва хушкўр бўлур. Ва яна дерларки, ёғи баҳосиятдур. Айттарларки, тана куйгонда гоз ёғи суртилса, зинҳор обчакламагай. Дағи ёки меъдада ҳозир бўлғай, ичакларда яра кетказур.

Патидан болиш (ёстиқ) қилурлар. Нафси камдур. Хўракни кам истеъмол қилур. Турфқоқ еб турур. Сабзини хуш кўрур. Қиссадан ҳисса шу бўлурки, то имкон қадар гоз асрағайсиз, фойдалан холи эмасдур. Саидмурол ШОҲМИРЗА ўғли.

Сўфи олпоёр ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Буюк мутафаккир Сўфи Оллоёр Олтинсой туманининг Вахшвор қишлоғида дафн этилган. Бу муқаддас кадамжо одамларнинг севимли зиёратгоҳига айлангандир. Айниқса, истиқлол шарофати билан миллий кадриятларининг қайта тикланиши натижасида бундай азиз масканларга ҳам эътибор кучайди.

Яқинда Олтинсой тумани ҳокимлиги минг нафарга яқин кексаларни Сўфи Оллоёр зиёратгоҳига тақдир қилди. Қарилар бу ерда Жумъа намозини ўқиб, улб зоти шарифини руҳига атаб Қуръон тиловат қилдилар. Тумандаги мавжуд хўжалар ва ташкилотлар Сўфи Оллоёр масжидига кўлаб қилдилар, жойнамозлар ҳада қилдилар. Шундан сўнг зиёратгоҳнинг дастурхонасида жойлашган сўлим боғда маросим иштирокчиларига дастурхона ёзилиб, ош тортилди. Таникли бахши Шоберди Болтаев Сўфи Оллоёрга бағишланган термаларидан ижро этди. Туман ҳокими Алибой Бутаев шу ерда истикомат қилдилар, улғур мутасаввунинг эттиччи авлодларидан бўлиши Музаффархон эшон Умархон ўғлига сарпалор қийғизди.

Умуман, Сўфи Оллоёр таваллудининг 375 йиллиги муносабати билан Олтинсой туманида унинг юбилейига қизгин тайёргарлик қилинмоқда. Бу ҳусусда туман ҳокимининг махсус қарори ҳам қабул қилинган. Эътиборли жиҳати, шу йил кузда бу ерда жаҳон Оллоёршунларининг халқро аючуманини ўтказиш мулкжалланяпти. **Ғ. ШЕРМУҲАММАД**, «Халқ сўзи» мухбири.

МАВСУМИНИНГ КИЧИК «МУЪЖИЗА»СИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати уйинлари турдан-тура кизикарили тус олиб, кизгин курашларга, қўтилмаган натижаларга бой бўлапти. 10-тур учрашувлари ҳам бундай кичик «муъжиза»лардан холи бўлмади. Жумладан, чемпионат аутсайдер — «Политотдел» пешқадамлардан бири — МХСК жамоаси мяхмони бўлиб, мутахассислару мухлислар учун қўтилмаганда ажайиб уйин кўрсатди ва 2-1 ҳисобида галаба қозонди.

Фарғонада «Нефчи» АСК жамоасини қабул қилди. Биринчи бўлим термизликлар галабаси билан (0:1, Зиганшин) яқунланди. Иккинчи бўлимда эса, майдон эгалари 3 марта тўп киритишга (Шамсиев — 46, Қўтибоев — 53, Ивангоровский — 67) муваффақ бўлишди. Шунга айтиш керакки, АСК жамоаси мураббийлари уйидан сўнг «Нефчи» клуби киритган кейинги икки тўп ҳакамларнинг қўпол хатоси билан киритилган ҳақида эътирознома берган. Учрашув инспектори ҳам ҳакамларга энг паст баҳони қўйган.

(Бу ҳақда кейинги шарҳларимизда батафсил тўхталамиз). Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Атласчи» — 0:0, «Чирчик» — «Янгиер» — 0:0, «Машъал» — «Наврўз» — 0:0, «Нуррафшон» — «Трактор» — 2:1, «Навбахор» — «Пахтакор» — 1:0, «Темирўйли» — «Сўғдиёна» — 1:0. Навбатдаги тур учрашувлари 3-4 июнь кунлари ўтказилади. **Р. ЭРМУҲАММАД**, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Motorola mobile phones. Text: 'Any Other Pager Is Ancient Technology.' 'Агар Сиз ўзингизга керакли кишилар билан 24 соат давомиди алоқа боғлаб туришини истасангиз пейджинг алоқасидан бошқа ҳеч нарса Сизга ёрдам беролмайди.' 'У доимо Сиз билан! У доимо Сиз томон!' 'Бугун кўнғирок қилинг, эртага кўнғирок, қилинг. Пейджинг дунёсига ошиқинг бу - Сизнинг эҳтиёжингиз!' 'Бизнинг манзил: "Камалак-пейджинг" - Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24-уй, 9 қават. Тел.: (3712) 44-26-78, 32-70-61. Главпочтамт- савдо пункти, тел.: (3712) 44-29-90.'

Тошкент шаҳар Мирзо Улғубек туманининг 64-ўрта мактаби ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошидаги «Еш банкчи» 10-лицей ўзбек ва рус синфларига танлов асосида 1995 йил 20 июндан ўқувчиларни қабул қилади. Кириш имтиҳонлари 1995 йил 21 августда куйидаги фанлар бўйича тест синовлари орқали ўтказилади: 1) математика; 2) чет тили (инглиз, француз); 3) география; 4) ўзбек тили. Уқишга кириш учун 1995 йил 17 августга куйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: 1) директор номига ариза; 2) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; 3) 39-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; 4) солиғи тўғрисида N086 У формадаги маълумотнома; 5) ота-онасининг иш жойидан маълумотнома; 6) яшаш жойидан маълумотнома, шунингдек, 3x4 ўлчамли иккита фотосурат топширилади. Мактаб манзили: Содиқ Азимов кўчаси, 35 а уй (Хайвонот боғи ёнида). 4, 5, 17, 18.-троллейбуслар катнайди. **Маълумотлар учун телефон: 36-08-87.**

Янги турдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалар учун танлов.

Олий ўқув юртларини янги турдаги ўқув адабиётлари билан таъминлаш бозор муносабатларига ўтиш даврида айниқса долзарб масаладир.

Чунки дарслик ва қўлланма муайян соҳа йўналиши бўйича ўқув жараёнида асосий манба ҳисобланади. Кўп босқичли таълим тизимида ўқув жараёнининг қўлланма ва дарсликлар билан таъминланганлик даражаси, биринчидан тегишли соҳа бўйича бакалавр ёки магистрлик малака тасдиқномаси, иккинчидан ўқув режалари, учинчидан фанлар бўйича ўқув программалари асосида белгиланиши зарур. Давлат таълим стандарти, таълим ҳақидаги қонун, концепция ва жаҳон таълим тизими талабларига мос мутахассислар тайёрлашни бевоасита давлат тилидаги қўлланма ва дарсликлар асосида амалга ошириш мақсадида вазирликнинг ўқув-услуг идораси 1995-96 ўқув йилида куйидаги устивор йўналишлар бўйича дарслик ва қўлланмалар қўлғамалари танловини ўтказди.

- Йўналишлар: 1. Бозор иқтисодий асослари. 2. Иқтисодий назарияси. 3. Социология. 4. Биотехнология. 5. Солик ва солиққа тортиш. 6. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш.

Advertisement for PROFIL ENTERPRISE. Text: 'Ўзбекистон - Ҳиндистон "PROFIL ENTERPRISE" фирмаси беш хил турдаги (исталган миқдорда) ҳинд чойини сотади.' 'Тел.: 34-10-01 Тел./факс: 35-07-80' Includes image of a woman and product boxes.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси' 'Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.' 'БўЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маълумот 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Тури муҳарририят 33-10-28.' '• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Худойёров. Навбатчи — Ш. Мутаҳаррон ўғли.'